



SOME ISSUES OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF THE PROSECUTOR'S ACTIVITY IN STUDYING THE LEGALITY OF THE COURT DECISION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Hasanov A.

General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan,
Denov district prosecutor. Senior assistant
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14196911>

ARTICLE INFO

Received: 16th November 2024
Accepted: 20th November 2024
Online: 21th November 2024

KEYWORDS

Court verdict, ruling, right to a fair trial, importance of filing an appeal, cassation protest in criminal proceedings, terms, stages of trial.

ABSTRACT

The article presents the importance of the prosecutor's filing a cassation protest in ensuring the right to a fair trial in criminal proceedings, the procedure for sending a sentence and a court ruling to the prosecutor for familiarization or for the prosecutor to request it, legal norms of the CIS countries and a scientific and theoretical analysis of national legislation.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРОРА ПО ИЗУЧЕНИЮ ЗАКОННОСТИ РЕШЕНИЯ СУДА В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Хасанов А.

Генеральная прокуратура Республики Узбекистан,
Деновский районный прокурор. Старший помощник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14196911>

ARTICLE INFO

Received: 16th November 2024
Accepted: 20th November 2024
Online: 21th November 2024

KEYWORDS

Приговор суда, постановление, право на справедливое судебное разбирательство, значение принесения апелляционного протеста, кассационного протеста в уголовном процессе, сроки, стадии судебного разбирательства.

ABSTRACT

В статье представлены значение принесения прокурором кассационного протеста в обеспечении права на справедливое судебное разбирательство в уголовном судопроизводстве, порядок направления приговора и постановления суда прокурору для ознакомления или истребования его прокурором, правовые нормы стран СНГ и научно-теоретический анализ национального законодательства.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД ҚАРОРИНИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ЎРГАНИШДА ПРОКУРОР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Хасанов А.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси,



Денов туман прокурорининг катта ёрдамчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14196911>

ARTICLE INFO

Received: 16th November 2024

Accepted: 20th November 2024

Online: 21th November 2024

KEYWORDS

Суд ҳукми, ажрим, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ, жиноят процессида апелляция протести, кассация протести келтириш аҳамияти, муддатлар, суд иш юритуви босқичлари.

ABSTRACT

Мақолада жиноят процессида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлашда прокурор томонидан кассация протести келтириш аҳамияти, суд ҳукмини, ажримни ўрганиш учун прокурорга юбориш ёки прокурор томонидан талаб қилиб олиш тартиби, МДХ давлатлари ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қонунчиликнинг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида қонунийлик ва адолатни таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Суд жараёнларида одил судловни амалга оширишда судьяга асосий кўмакчи прокурорлар ҳисобланади. Хусусан, жиноят ишлари бўйича судларда прокурорнинг асосий вазифаси жиноят ишлари кўрилаётганда давлат айбловини қувватлаш, далилларни текширишда иштирок этиш, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдириш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, биринчи инстанция судлари томонидан эълон қилинган суд ҳукми, ажрими якуний тўхтам ҳисобланмайди.

Маълумки, суд томонидан жиноят процессларини кўриб чиқишда бир қанча инстанция босқичлари мавжуд. Жумладан, 1-инстанция судлари, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси, тафтиш инстанцияси ва такрорий тафтиш инстанциялари.

Жиноят ишининг биринчи босқич инстанция суди томонидан кўриб чиқилиши якуний босқич ҳисобланмайди. Яъни Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили биринчи инстанция судининг ҳукми, ажрими устидан юқори турувчи судга суд қарорини олган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) билдиришга ҳақли эканлиги, апелляция муддати ўтгандан сўнг эса кассация тартибида шикоят (прокурор протест) қилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, ЖПКнинг 499-моддасида, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарлари биринчи инстанция судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида протест билдиришга ҳақли¹ эканлиги қайд этилган бўлсада, туман (шаҳар) прокурорларига ушбу ваколат берилмаган.**

¹ <https://lex.uz> Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22.09.1994й.



Бу эса ўз навбатида, судланувчи, жабрланувчи ҳамда давлат манфаатини кўзлаб суд қарорининг қонунийлигини ўрганиб ўз вақтида муносабат билдириш имконини чеклайди.

Чунки ЖПКнинг 475-моддасида, ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозимлиги, бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилиши белгилаб қўйилган².

Ҳажми катта бўлган ҳукмларни эса 10 кунлик муддатд судья томонидан ёзиб бўлинган тақдирда ҳам туман (шаҳар) прокурорлари томонидан протест келтиришга 10 кунлик муддат етарли эмас. Шунингдек, туман шаҳар прокурорлари учун апелляция протести келтириш муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ҳисобланади, ҳукм нусхасини олган кундан эмас. Бу ҳам туман (шаҳар) прокурорларининг жиноят суд қарорларига апелляция протести келтириш самарадорлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Шунга қарамай “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида, Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли эканлиги, ҳамда протест келтириш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этиши белгиланган³.

Бу жараён маълум муддат талаб қилиши, биринчи инстанция суд қарорларига апелляция муддатида муносабат билдираолмаган туман (шаҳар) прокурорлари учун суд қарорларига ўз вақтида қонуний, асосли ва адолатлилигига баҳо бериш самарадорлигига салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Шунингдек, прокурор фаолияти самарадорлигига баҳо беришда ҳам апелляция тартибида протест келтириш муддати давомида тўғри ва асосли муносабат билдирилганлиги инобатга олинади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 403-моддаси 2-қисмида, “Прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳужжати устидан кассация протести келтиришга ҳақли⁴,” – эканлиги қайд этилган.

Худди шу нормалар ИПКнинг 282-моддаси 2-қисмида, МСИЮтКнинг 224-моддасида прокурорлар томонидан апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида протест келтириш ваколоти мустаҳкамланган⁵.

Бироқ, ЖПКда туман (шаҳар) прокурорлари томонидан кассация тартибида протест келтириш ваколоти мавжуд эмас.

² <https://lex.uz> Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22.09.1994й.

³ <https://lex.uz>

⁴ <https://lex.uz>

⁵ <https://lex.uz>



Мисол учун, МДХ давлатларидан кўпчилигининг жиноят процессуал қонунчилигига кўра, кассация тартибидаги шикоят (протест)лар бевосита ушбу давлатнинг Олий судига берилади ва Олий суд томонидан кўриб чиқилади. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖПК 488-моддаси 1-қисмига кўра, “қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза ёки протест ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат шаклида Қозоғистон Республикаси Олий судига берилади⁶,” – деб мустаҳкамланган.

Шунингдек, РФнинг жиноят-процессуал кодексида ҳам кассация протестини РФ субъектлари яъни вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар протест келтириши ваколати борлиги мустаҳкамланган. Лекин РФда суд ишини кўриб чиқиш босқичлари Ўзбекистон Республикаси суд босқичларидан фарқ қилади. РФда назорат тартибида ишларни кўриб чиқиш ҳалигача сақланиб қолган. Ўзбекистон Республикаси судларида ушбу назорат тартибида кўриб чиқиш босқичи тугатилган бўлиб, кассация ва такрорий кассация босқичлари маълум муддат мавжуд бўлиб, 2024 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва Олий судда ишларни кўриб чиқиш учун тафтиш инстанцияси ташкил этилди.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг суд ишларини кўриб чиқиш босқичи ва тартиби ўзига хос фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. Бу аввало мамлакатларнинг қонунларига киритилаётган ўзгартиришлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасига, халқаро ҳуқуқ нормаларини интеграцияси, соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этиш самарадорлиги ва албатта ушбу ҳудуддаги криминоген вазият ҳамда судланувчилар ва жабрланувчиларнинг суд ишининг қонуний асосли ва адолатлилигига бўлган ишончи ёки ишончсизлиги натижасида шаклланган суд иш юритуви босқичлари ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида суд иш юритуви босқичлари маълум давр мобайнида МДХ давлатларининг жиноят процессуал қонунчилиги билан ўхшашлик сақланиб келинди. Лекин 2024 йилнинг 1 январидан бошлаб ЖПКга киритилган ўзгартиришларга кўра, мамлакатимизда суд иш юритуви босқичлари 1-инстанция судлари, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси ва тафтиш инстанцияси каби иш юритув босқичлари ташкил этилди. Бунда суд ишларини кўриб чиқишда 1-инстанция суд қарорлари устидан вилоят судларида апелляция, кассация тартибида кўриб чиқилиши, агарда ишлар апелляция ёки кассацияда кўриб чиқилган бўлса, уларнинг қарори, ажрими устидан вилоят судлари томонидан тафтиш тартибида кўриб чиқилиши белгиланди.

Мазкур ҳолат Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида суд иш юритуви босқичларидан фарқ қилади. Чунки уларда суд иш юритуви босқичлари 1-инстанция судлари, апелляция ва кассация инстанцияси, шунингдек, назорат босқичларидан иборат. 1-инстанция суд ҳукми, ажрими устидан вилоят судлари ёки уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция инстанциясига, апелляцияда кўрилгандан кейин Олий судда кассация инстанциясида

⁶ Қозоғистон Республикаси ЖПК 488-моддаси.



қўриб чиқилиши мумкин. Шундан сўнг Олий суд кассация инстанцияси ажрим устидан назорат тартибида қўриб чиқилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига кассация тартибида протест келтириш ваколати берилган шахслар рўйхатига туман (шаҳар) прокурорларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 1-инстанция суди қарори устидан 10 кунлик муддат ўтгандан сўнг ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация протести келтириш ваколатини туман (шаҳар) прокурорларига ҳам бериш 1-инстанция суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатлилигини ўрганиб боришга имкон беради ва уларнинг фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Чунки, амалиётда суд қарорини 10 кунлик муддатда ўрганиб боришда ушбу муддат камлик қилади.

Шунингдек, қонунчиликда суд ҳукмларини ўрганиш учун прокурорга суд қарорини юбориш ёки прокурор томонидан суд ҳукмини, ажримини талаб қилиб олишнинг аниқ тартиби мавжуд эмас.

ЖПКнинг 497⁴-моддасида, апелляция шикоятини ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг қўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида бериши мумкинлиги белгилаб қўйилган⁷.

ЖПКда прокурор томонидан протест келтириш ваколати белгиланган. Лекин ҳукм нусхаси почта орқали ёки электрон ҳужжат айланмаси орқали юборилиши лозимлиги ёки ушбу тартибни белгиловчи Бош прокуратура ва Олий суд ўртасида қўшма қарор белгиланмаган.

Ҳукм, ажрим нусхасини ўрганиш учун прокурорга юбориш ёки прокурор томонидан ҳукм нусхасини талаб қилиб олишни тартибга солувчи Бош прокуратура ва Олий суд ўртасида қўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суд ҳукмлари, ажримларини прокурорга юбориш ёки прокурор томонидан суд ҳукмларини ўрганиш учун талаб қилиб олиш тартибини белгилаш эҳтиёжи мавжуд. Бу назарий жиҳатдан олиб қараганда, бу борада камчиликлар ва бўшлиқлар йўқдек кўриниши мумкин, бироқ амалиётда жуда ҳам катта бўшлиқ борлиги сезилади. Чунки қонунда прокурор томонидан суд ҳукми эълон қилингандан сўнг 10 кунлик муддат ичида протест келтириш ваколати белгиланган бўлсада, лекин протест келтириш учун суд ҳукмини уни қабул қилган суддан ўрганиш учун олиш тартиби белгиланмаган.

Шу сабабли, ЖПКга 475-моддасига қўшимча киритиш ёки алоҳида 475¹-модда киритиб, суд ҳукмини прокурорга почта орқали ёки электрон шаклда юбориш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, суд ҳукмлари (ажримлари)ни қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) прокурорларига ҳам кассация тартибида протест келтириш ваколатини бериш лозим. Бу орқали фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судда бўлгани каби туман (шаҳар) прокурорлари жиноят процессида ҳам шахснинг

⁷ <https://lex.uz>



адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларининг рўёбга чиқишига бевосита ўз ҳиссасини қўшиб боради. Чунки шахсни айбдор деб топиш учун 1-инстанция суди ҳукми якуний қарор эмас. Шахсда суд қарорини юқори суд томонидан қайта кўриб чиқиш учун шикоят қилиш каби табиий ҳуқуқи мавжуд. Одатда бу ҳуқуқни амалга оширишда прокурорлар томонидан протест келтирилиши фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу билан бирга шахснинг жиноят процессида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

References:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент. Ўбекистон, 2019.
- 1.2. Ўбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2018-йил 1-майгача бўлган Ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Т.: "Адолат", 2018 й.
- 1.3. Ўбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. (2018 йил 1-майгача бўлган Ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент: "Адолат", 2018й.
- 1.3. Ўбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022-йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони.
- 1.4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ. 1948.
- 1.5. Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплар. БМТ.1 985.

II. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

- 2.1. Пўлатов. Б.Х. "Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларни ижро етилиши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма.Т.: 2007.
- 2.2. Д.Базаров,Б.Шамсутдинов. Жиноят процессида айбланувчининг ҳуқуқлари.Дарслик. 2021.
- 2.3. Ф.А.Рамазанова. Жиноят процессининг функциялари.Рисола. 2016.
- 2.3. Исроилов Б.О. Жиноят процессининг айрим принциплари, Рисола. – Т.: "Тан ва технология" 2007. Б 23.
- 2.4. Ягофаров. С.М. "Международные стандарты в уголовном судопроизводстве". учебное пособие.2013.

III. Интернет манбалар

- 3.1 <http://www.lex.uz>
- 3.2 <https://www.org.uno>
- 3.3. <http://www.право.ру>